

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2024-yil 15-avgust, payshanba

№ 33 (9301)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, шунингдек, педагог ва тиббиёт ходимлари меҳнатини қўшимча рағбатлантириш мақсадидан:

1. 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар ва нафақалар миқдори 15 фоизга оширилсин. Бунда: пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига 428 000 сўм этиб;

ёшга доир энг кам пенсия миқдори – ойига 834 000 сўм этиб; ногиронлик пенсияларининг энг кам миқдори – ойига 920 000 сўм этиб;

фуқароларга тўланадиган бошқа пенсиялар ва нафақалар миқдорлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. 2024 йил 1 октябрдан бошлаб:

бюджет ташкилотларида ишловчи тиббиёт ходимлари, шунингдек, мактабгача, умумтаълим, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ва ташкилотлари, “Мурувват” интернат уйлари, “Меҳрибонлик” ва Болалар уйлари, болалар санаторияларида ишловчи педагог ходимларнинг иш ҳақи миқдори – 15 фоизга оширилсин;

бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори – 10 фоизга оширилсин, мазкур банднинг иккинчи хатбошисидан назарда тутилган ходимлар бундан мустасно; меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига 1 155 000 сўм этиб белгилансин;

базавий ҳисоблаш миқдори – 375 000 сўм этиб белгилансин.

3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар ва нафақалар миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўллансин.

4. Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутиладиган натижаларни оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А.Кўчқоров белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 12 август



Барчамизнинг хабаримиз бор, ўтган йилнинг 29 ноябр кўни Президентимиз раислигида қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва йўқотишларни камайитириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселекторда сув хўжалигида “каналларни бетонлаш бўйича зарбдор йил” эълон қилинди. Шунингдек, мазкур йилгилида давлатимиз раҳбари бир йил давомида сувни тежаш бўйича фавқулодда иш тизимига утилишини таъкидлаган эдилар.

Кейинги йилларда минтақамизда кузатилаётган сув танқислиги Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган Қорақалпоғистонда таъсири кўпроқ сезилмоқда. Шу боис, сувни тежаш борасидаги масалага давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи алоҳида эътибор қаратаётганидан ҳудудлардаги деҳқон-фермерлар, сувчилар, қўйингки, барча аҳолининг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш билан бирга, сувга бўлган муносабатини ўзгартирмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасидаги каналлар асосан тупроқ ўзали бўлгани боис, катта миқдордаги сувлар далаларга етиб бормасдан йўқотилаётгани аниқ факт. Президентимизнинг каналларни бетонлаш борасидаги кўрсатмалари асосида, каналларни бетонлаш ва сув йўқотишларни камайитириш борасида Қорақалпоғистонда ҳам кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Президентимизнинг 2023 йил 25 декабрдаги қарори асосида жорий йилда Қорақалпоғистондаги 13



та ирригация объектларида қуриш ва реконструкция ишларини амалга ошириш белгиланди. Бунда жами 78 млрд. 448,4 млн. сўмлик 130,3 километр узунлиқтаги каналларни бетонлаш ва қуриш, реконструкция қилиш ишлари режалаштирилган. Бугунги кунга келиб белгиланган маблағлар ҳисобидан 64 млрд. 270 млн. сўмлик иш кўлами, яъни 94,8 км. каналларни бетонлаш ва қуриш, реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Жумладан, “Дўстлик”, “Манғит-Арна”, “Ширин

жап” ва “Ташли жап” каналларида бетонлаш ишлари амалга оширилмоқда. Айни кунларда ҳам бу ишлар изчил давом эттирилмоқда. Чимбой тумани “Таъғара” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Тоне Шохарык” (Эски шўҳарик) ички каналда амалга оширилаётган ишлар бунга мисолдир. Кейинги пайтларда мазкур сув тармоғида сувдан фойдаланиш коэффициенти кескин пасайиб, ҳудуддаги сув истеъмолчиларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Сўғориш тармоғининг умумий узунлиги 7 километрни ташкил қилади. Яқинда ариқнинг 400 метр қисмини бетонлаш белгиланиб, ишлар бошлаб юборилди.

Эътиборлиси, бунда бетонлаш ишлари амалга оширилгач, ҳудуддаги фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқа майдонларида сув таъминоти яхшиланади. Шунингдек, сув йўқотишлар камайдиган сувдан фойдаланиш коэффициенти оширилади, энг муҳими, канал охиригача сув етиб бориши таъминланади.

(Давоми 2-саҳифада)

ХОРАЗМДА ҚОВУН САЙЛИ

Қадимдан Хоразм воҳаси ўзининг шириндан-шакар қовунлари билан машҳур. Айниқса, “Гурвак”ни Хоразм қовунчилигининг рамзи десак, муболага эмас. Шунинг учун ҳам воҳада ҳар йили август ойда, айни полиз маҳсулотлари пишиб етилган паллада анъанавий қовун сайли ўтказиб келинади.



Қадим ва ҳамisha навқирон Хива шаҳрида ўтказилган қовун сайли бу йил ҳам ҳар йилгидан бошқачароқ бўлди. Сабаби, бу гал бошқа ҳудудлардан ҳам деҳқонларнинг ўз маҳсулотлари билан иштирок этиши сайлнинг жозибадорлиги ва қамровини янада оширди. Уч кун давом этган фестивалда меҳмонлар қўпчилигидан мониторингларда томоша қилиш учун ҳам шароитлар яратилди. Урганч шаҳрининг Жалолиддин Мангуберди

майdonи, Хива шаҳрининг “Ота дарвоза”, “Локомотив” парки майdonи, вокзал олди майdonи, “Кўҳна арк” майdonи, “Аллея” майdonи, Хоразм Маъмур академияси олди майdonиларида меҳмонлар қовун сайлидаги концерт томошаларини кўришди. Репортажлар телеканаллар орқали жонли эфирда намоён этиб борилди.

Фестивалнинг очилиш маросимида Туризм қўмитаси раиси Умид Шадиев, Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Раҳимов ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Туризм соҳасининг ривожланишига агротуризм йўналиши ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда. Ҳар йили айни қовун пишиги мавсумида ўтказилиши анъанавий айланган мазкур фестиваль охиригача икки йил давомида халқаро даражада бўлиб ўтаётганлиги билан аҳамиятлидир. (Давоми 4-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚЛИК СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРНИ ҚАЙД ЭТМОҚДА

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабина Маҳл Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ташриф буюрди.



Сенат Раиси Танзила Норбоева билан учрашувда Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигида амалга оширилаётган самарали лойиҳалар ва истиқболдаги режалар, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гендер тенгликка оид масалалар муҳокама қилинди.

С.Маҳл сўнги йилларда Ўзбекистон ислохотлар, жумладан, очиқлик сиёсати туфайли юқори натижалар қайд этатганини, бу эса бошқа мамлакатларга намуна бўлаётганини алоҳида эътибор этди.

Мулоқот давомида “Тендер зўравонлиқка қарши 16 кунлик фаол ҳаракатлар” доирасидаги ишларни биргаликда амалга ошириш, маҳаллий кенгашларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ўқув дастурларини ишлаб чиқиш таклифлари ҳам илгари сурилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Экология

ТАБИАТНИНГ БЕБАҲО ИНЪОМИ

Экология ва табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш мавжуд табиий ресурслардан тўғри ва мақбул фойдаланиш билан узвий боғлиқ. Табиий ресурслар орасида ер ва сув ресурслари алоҳида ўрин эгаллайди. Қургўқчил минтақаларда улардан самарали фойдаланиш муаммолари эса сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тadbирлари билан чамбарчас боғланган.

Халқимиз ерларни мелиорациялаш ва сўғорма деҳқончилигини ривожлантириш бўйича бой тажрибага эга. Тарихий маълумотларга қараганда Марказий Осиёдаги қадимий давлатларда эрамиздан олдинги IX-ҮШ асрлардаёқ сўғориш мелиорацияси қўлланилган. Бу ерларда кейинчалик ҳам сўғориш ва деҳқончилик муваффақиятли ривожлана борган, сўғориш айниқса, Фарғона водийсида тараққий этган.

Ерларни мелиорациялашнинг бой тажрибасини ўрганиш, шу соҳадаги илмий тадқиқот ишлари натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш йўли билангина янги ерларни ўзлашти-

риш, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдонларини кенгайтириш ва бу ерларда қишлоқ хўжалик эканларидан юқори ва барқарор ҳосил олиш мумкин. Мамлакатимизда сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу тадбир қишлоқ хўжалиги эканларидан юқори ва барқарор ҳосил олиш ҳамда улар ялпи маҳсулотни ҳажмининг ошириш имконини бермоқда. Аммо, мелиоратив тadbирлар мажмуини белгилашда уларни амалга оширишнинг атроф-муҳит экологик ҳолатига таъсирини ҳам ҳисобга олиш лозим. Зеро,

“мелиорация” сўзининг луғавий маъноси ҳам яхшилаш демакдир.

Сўғориладиган ерлар экологик ҳолатининг бузилиши сизот сувлари сатҳининг қўтарилиб кетиши натижасида ботқоқланиш, тупроқларнинг шўрланиши, эрозиянинг кучайиши тарзида намоён бўлмоқда. Адир ерларни ўзлаштириш ҳам кўйида жойлашган анчагина ерлар мелиоратив ҳолатига салбий таъсир кўрсатди. Буларнинг олдини олиш ва бартаф эйтиш учун эса аввало сув тақсимлаш ва сувдан фойдаланишни тартибга солиш, сўғориш ва коллектор-зовур тармоқларининг меъёрий ишлашини таъминлаш, сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини мунтазам кузатиб бориш асосида зарур чораларни ўз вақтида амалга ошириш зарур.

“Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Концепцияси”да қишлоқ хўжалиги эканларини етиштиришда сув тежовчи сўғориш

технологияларини жорий қилишни янада кенгайтириш ва давлат томонидан рағбатлантириб бориш, ушбу соҳага хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш, сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш, ерларнинг унумдорлигини оширишга қўмаклашиш, тупроқнинг шўрланиш даражасини пасайтириш ва олдини олиш бўйича самарали технологияларни қўллаш бўлишини камайитириш, қишлоқ хўжалиги эканларига тежаб сув қўйиш технологиясини танлаш ва жорий этиш, сўғориладиган массивларнинг табиий шароитларини ҳисобга олиш, сўғоришнинг истиқболли – ҳар гектар майдонга ҳам, бирлик ҳосилга ҳам энг кам сув сарфланадиган усулларни қўллаш экологик ҳолат мураккаблашишининг олдини олади.

(Давоми 3-саҳифада)

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАШМОҚДА

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келётган битирувчилар бандлигини таъминлашга устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.



Лутфулло ХАЙРУЛЛАЕВ, Навоий вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бошлиғи

Хусусан, Навоий вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси томонидан ҳам ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш борасида жорий йилнинг ўтган даврида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, туман, шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлиmlари томонидан 12 мингдан зиёд фуқарога бандлик хизматлари кўрсатилди. Шундан, 9 286 нафар фуқаро корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринларига жойлаштирилди, 2 419 нафари вақтинчалик жамоат ишларига жалб этилиши орқали уларнинг ҳам бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, бандлик хизмати кўрсатиш имкони бўлмаган 274 нафар ишсиз фуқаролар ижтимоий ҳимояга олиниб, ишсизлик нафақалари тайинланди. Вилоятдаги мономарказлар ва бошқа ўқув масканлари, шунингдек нодавлат ўқув марказларида жами 5 844 нафар ишсиз фуқаро меҳнат бозорига талаб юқори бўлган 71 турдаги касб-хунарга, тадбиркорликка ва хорижий тилларга ўқитишга жалб этилди. Қайд этиш керак, касб-хунарга ўрганишга жалб этилган фуқаролардан 2 513 нафари ўқиниш тугатиб, 2117 нафарининг бандлиги таъминланишига эришилди.

билан давом этмоқда. Жорий йилда вилоят бўйича оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 256,4 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратишли режалаштирилган бўлиб, буғунги кунга қадар ҳоким ёрдамчилари тавсияномалари асосида 7,8 мингта лойиҳага 172 миллиард сўм имтиёзли кредит йўналтирилди. Бу орқали ҳам аҳолининг бандлиги таъминланди, ҳам уларнинг турмуш фаровонлиги яхшилланишига ҳисса қўшилди. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасидан 492 нафар ишсиз, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”-га киритилган фуқароларга ўзини-ўзи банд қилишига



кўмаклашиш мақсадида 2,6 миллиард сўм субсидия маблағлари ажратилди. “20 минг тадбиркор – 500 минг мутахассис” дастури доирасида эса 320 нафар тадбиркор билан ҳамкорлик шартномаси тузилди.

Бугунги кунда 179 та тадбиркорлик субъектлари томонидан янги лойиҳалар амалга оширилиб, 5552 та янги иш ўрни яратилди. Мухтасар айтганда, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 42 та корхона томонидан 1 580 та иш ўрни ташкил этилди. Ушбу тадбирларни амалга ошириш натижасида йил якунига қадар ишсизлик даражасини 5,8 фоизга ва камбағаллик даражасини 6,5 фоизга туширишни режалаштирганмиз.

Жорий йилда меҳнат бозорига янги ишчи кучларининг кириб келиши натижасида иш ўрнига бўлган талаб 48,8 минг нафарни ташкил этади. Бу бўйича ҳам аниқ чора-тадбирларни белгилаб олганмиз. Жорий йил барча йўналишларда 136,7 минг нафар аҳолини даромад келтирадиган меҳнат билан банд қилиш дастури тасдиқланган. Аини пайтда барча саъй-ҳаракатларимиз мазкур дастур ижросини таъминлашга қаратилган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида вилоятимиз бўйича хориждан қайтган 6833 нафар фуқаронинг 3304 нафарининг бандлиги таъминланди. Бошқармамиз томонидан ишсиз мигрантларнинг доимий бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш йўлида тизимли ишлар изчиллик



Бахтиёр ЖУЗБАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири

(Боши 1-саҳифада)

Сувни тежаш борасида қилинаётган яна бир амалий тадбирлардан бири бу сув тежовчи технологияларни жорий қилишдир. Сир эмас, бу технология яқин вақтларгача Оролбўйи ҳудудидаги деҳқон-фермерлар орасида оммалашмасдан, яъни каттароқ майдонларда фойдаланмасдан келинаётган эди. Кейинги йилларда сув тежовчи технологияни жорий қилишга имтиёзли кредитлар ажратилиши, фермерларга кредит фойзининг бир қисмини қоплаш тартибининг жорий этилиши, шу билан бирга Оролбўйи учун кўшимча имтиёزلар берилаётгани ҳудудда сув тежовчи технологияни кенгроқ жорий қилишга замин яратмоқда.

Сув тежовчи технологияни жорий этган фермерлар унинг самарасини ўзлари эришган натижалар мисолида бошқаларга тушунтириб, кўрсатиб бераётир. Албатта, бу борадаги тарғиботни қучайтириш мақсадида оммавий ахборот воситаларини вакиллари жалб қилган ҳолда мунтазам равишда кўргазмали семинарлар ва медиа-турлар ташкил этиб келинмоқда. Яқинда Тўртқўл туманида ўтказилган ана шундай тадбирда фермер хўжаликларини раҳбарлари, сув тежовчи технологияларни курувчи ташкилотлар вакиллари, шу йўналишда илмий изланишлар олиб бораётган олимлар иштирок этиб, минтақамизда сувдан самарали фойдаланиш, тежамкор технологияларни жорий қилишнинг долзарблиги ҳамда бу борада яратилаётган имконият ва имтиёزلар ҳақида маълумот берилди.

Президентимизнинг 2023 йил 1 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда шунга оид олдин қабул қилинган қарор ва дастурлар асосида республикамизда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги эканларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилмоқда.

Хусусан, мазкур қарорга мувофиқ онлайн кредит ажратиш имконини берувчи



СУВНИ ТЕЖАШ:

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

“Suvkredit.uz” электрон тизими ишлаб чиқилди. Унда барча босқичлар шаффоф, яъни онлайн кузатиб борилади.

Бугунги кунгача 540 нафар фермернинг жами 9 минг 28 гектарга сув тежовчи технологияни жорий қилиш юзасидан қилган аризалари платформага қабул қилинди. Уларнинг 539 тасига ижобий ҳулоса берилди. Эътиборлиси, сув тежовчи технологияларни жорий этишни молиялаштириш жараёнларида инсон омилни камайтирилиб, автоматлаштирилган дастурда амалга оширилади. Ҳозиргача suvkredit.uz дастури орқали 518 та талабгорнинг 8 минг 770 гектар майдони учун ирригация муҳандислари томонидан ижобий ҳулоса берилди ва банк кредитлари молиялаштирилди. Қолган фермер хўжаликлари ўрганиш жараёнида бўлса,



11 та фермер хўжалигининг 104,2 гектар майдонига салбий ҳулоса берилган. Сув тежовчи технологияларнинг самарасини билган ва ҳосилдорлиқнинг ошиши ҳисобидан фойда олишга кўзи етган фермерлар ўз маблағлари ҳисобидан ҳам тежамкор технологияларни жорий этишга киришгани қувонарли ҳолидир. Масалан, 26 та талабгор жами 14 млрд. 45 млн. сўм ўз маблағлари ҳисобидан 671 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, жорий йилдан бошлаб, Қорақалпоғистондаги фермер хўжаликларини сув тежовчи технологияларни ресурс тежамкор, яъни муқобил энергия билан уйғун ҳолда жорий этмоқдалар. Яқинда Хўжайли туманида дискрет



суғоришни жорий этиш бўйича кўргазмали амалий семинар ўтказилганида, мазкур муқобил энергия билан ишлайдиган технологияга қўллаб-қувватлаш кизиқиш билдирди.

Гап шундаки, “Шерзод Отабек” фермер хўжалиги далага куёш панелюда ишлайдиган технология ўрнатилди. Юқорида келтирилганидек, мазкур фермер давлатдан 50 млн. сўм аτροφидиа субсидия олади. Ҳам электр ишлаб чиқарадиган, ҳам сувни тортиб берадиган технология унга 80 млн. сўмга тушмоқда. Фермер илгари ушбу майдонларни дизел ёқилғиси билан ишлайдиган насос агрегати орқали суғорган. Масалан, 18,5 гектар пахта майдонининг шўрини ювиш учун фермер 800 литр дизел ёқилғиси ишлатган. Бир литр ёқилғи 9,5 минг сўмдан бўлганида, 7 млн. 600 минг сўм маблағ сарфлаган. Эндиликда эса замонавий технологиядан самарали фойдаланиб, ҳам сувни тежайди, ҳам маблағни, энг муҳими, ишлари осонлашади. Технология куёш панелюдан олинган электр энергияси билан ишлайди. Уни бошқа жойга кўчириш осон.

Қорақалпоғистонда оммалашаётган яна бир сув тежовчи технология бу мобил кўчма ёмғирлатиб суғориш тизимидир. Ёмғирлатиб суғориш типига кирадиган мобил суғориш тизимида анъанавий суғоришга нисбатан 40-50 фоизгача сув иқтисод қилинади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари агарда ушбу тежамкор технологияларни ўз далаларида жорий этсалар, Президентимизнинг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида

сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талаблари асосида субсидия маблағлари олиши мумкин.

Мобил суғориш тизими меҳнат ва вақтни тежаш, суғоришнинг юқори аниқлиги, сувни тежаш эффекти ва кучли мослашувчанлик каби афзалликларига эга. Ҳозирги кунгача жами 22 та ёмғирлатиб суғориш типига кирадиган мобил суғориш машинаси олиб келиниб, суғоришда қўлланилмоқда.

Қувонарлиси, юқорида келтирилган сув тежовчи технологиялар ёрдамида суғориш нафақат сув сарфи, балки энергия сарф-харажатларини камайитириш, натижада фермер-деҳқон даромадларининг ортишига олиб келади. Биргина Тўртқўл туманида 2021-2023 йиллар мобайнида 63 та фермер хўжалигининг 2061 гектар майдонига томчилатиб, 29 та фермер хўжалигининг 320 гектарига ёмғирлатиб суғориш технологиялари жорий қилинган.

Жорий йилнинг ўтган даврида тумандаги 12 та фермер хўжалигининг 156 гектар экин майдонига 2 млрд. 742 млн. сўмлик ёмғирлатиб суғориш технологиялари, 31 та фермер хўжалигининг 566 гектар экин майдонига 7 млрд. 6 млн. сўмлик томчилатиб суғориш технологиялари жорий қилинди. Шунингдек, 2024 гектар ер майдонига лазер текислаш ишлари олиб борилди.

«Қўшнар-пахтакор» фермер хўжалигида бир неча йилдан буён томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланиб келинаётганида. Ҳосилдорликнинг ошиши, гўза қўсақлари йириклиги, пахта очилганда чигитлар сони ҳамда вазнининг ошганлиги ударнинг таърибасида маълум бўлди. Фермер шуларни кўргач, ғаллага ҳам ёмғирлатиб суғоришни жорий этишга киришди. Бу йил Хитой технологияси бўйича инновация усулида чигит эккан. Бунда бир йўла плёнка ва томчилатиб суғориш шлангларини ётқизиб, томчилатиб суғоришнинг ушбу усули жорий қилинган.

Ҳа, республикамизда сувни тежаш бўйича фавқулодда иш тизимида ўтилгани, сув хўжалиги тизимининг биргина ҳудуддаги ишларида ҳам яққол кўринмоқда. Эътиборлиси, сув тежовчи технологияларни жорий этишга қаратилган ислоҳотлар амалий ишлар ва эришилган натижаларда намоён бўлмоқда.

Семинар тренинг

...ЗАМОНАВИЙ САНОАТ МАМЛАКАТИГА

Сарлавҳани бежиз шундай номламадик. Боиси, дунё саҳнидаги ривожланган барча мамлакатлар таъбир жоиз бўлса тараққиёт пиллапояларидан бир-бир қадам босиб шоҳсупага кўтарилган. Бунда асос сифатида илмга таянилган, албатта. Жумладан, Жанубий Корея Республикаси ҳам.

1960 йилдан бошлаб, мамлакат аграр соҳасини илмий асосда ривожлантиришга қаратилган ҳаракат кейинчалик барча соҳаларни ҳаракатга келтирувчи кучга айланган. Бунда “қиймат революцияси”, “билим революцияси”, “сифат революцияси”, “оқ революцияси” ва “яшил революцияси” каби тамойиллар ўзига хос концепция ва зифасини бажарган. Тизимли ислоҳотлар натижасида 1977 йилдан бошлаб мамлакат ўзининг гуруҳ маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондира олган. Ўтган вақт мобайнида эса мамлакат нафақат қишлоқ хўжалиги балки саноати ривожланган, иқтисоди юксалган давлатга айланган.

марказида корейлик олим Лее Донг Жин иштирокида “Корея қишлоқ хўжалиги таърибаси асосида сазавот-полиз эканларини етиштириш технологияси”



Ушбу маълумотлар Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий

мавзусида ўтказилган ўқув-семинарида таъкидланди.

– Илм кўзланган натижага эришишдаги энг муҳим омил. Чунки биз бундан 50-60 йил олдин жуда оғир аҳволдаги умидсиз давлат эдик. Бугун эса замонавий саноат мамлакатига айландик. Мен бу фикрни ўз тақдимотида ҳам баён қилганман. Биз бунга илм орқали эришдик. Илмий

ёндашувлар асосида ўтган давр ичида импорт қилувчи давлатдан нафақат маҳсулот балки билимларни ҳам экспорт қилувчи давлатга айлана олдик. Ҳозир қўллаб-қувватлашга сифатли уруғлик материаллари, кўчатлар ва бошқа маҳсулотлар етказиб берамиз. Шоли етиштириш, ресурстежамкор навларни яратиш борасида ҳам етакчига айландик. Мана шундай семинарларда ҳамкор давлатларга ўз таърибамизни бўлишиш ва яқиндан ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз. Чунки аграр соҳани ривожлантириш дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Башариятнинг кун тартибидаги энг асосий масалаларидан бири ҳам шу, – деди ўз тақдимотида корейлик олим, Данкук университетидидаги Халқаро қишлоқ хўжалиги кооперацияси тадқиқот институти директори, профессор Лее Донг Жин.

Шунингдек, маърузачи ўз тақдимотида Ўзбекистон ва Жанубий Корея олимларининг ҳамкорлиги келажакда



ижобий натижа бериши, бунинг учун икки давлат ёш олимлари мунтазам таъриба алмашишлари зарурлигини таъкидлади.

Семинар иштирокчилари Жанубий Корея Республикасининг аграр соҳаси ривожланиши тарихи тўғрисида аτροφлича маълумотга эга бўлдилар ва ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди. Ушбу ўқув-семинари Корея Респуб-

ликаси Ҳукуматининг грант маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига илғор технологияларни жорий этиш мақсадида Миллий марказ ҳудудида “Мева-сазавотчиликда илғор технологиялар ўқув маркази”ни ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш доирасида ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ахборот хизмати.

Мутахассис тавсиялари

Август – ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА МУҲИМ ОЙ

Деҳқонларимиз шу кунларнинг ҳар бир сонясини қадрлаб, ғўза парварлигини синчковлик билан олиб бормоқдалар. Улар ҳосилни кўпайтириш ва уни сақлаб қолиш айна палладаги ғўза қатор ораларига бериладиган ишловнинг сифатли бажарилишига боғлиқлигини яхши билишади. Мана шу тадбирлардан бири пайкаллардаги тупроқ намлигини бир маромда сақлаб туришидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ғўзани чанқатиб қўйиш каби унга керагидан ортиқ сув бериш ҳам зарари. Яна бир муҳим гап, ғўзани кўпроқ тунда суғориш лозим. Шунда сувнинг фойдаси ошиши, ҳосил тугунчалари тўкилиши камайди. Таҳлилларга қараганда, сув етишмовчилиги бутун вегетация даврида ҳам давом этиши мумкин. Сув тақчилиги сезилаётган шароитда суғориш технологияси интизомига қатъий риоя этиш талаб этилади. Бунда, экинлар ривожини тезлатиш ва сув камчилигига қарши самарали кураш олиб боришга алоҳида эътибор бериш лозим. Тупроқни бир текис намлаш учун калта эгратлаб суғориш самаралидир. Суғоришда "шарбат" усули қўлланилганда, ғўза озуқа олиши баробарида сувнинг буғулиши камайди, тупроққа яхши сингади, нам узоқ сақланади. Бунинг учун ҳар бир майдоннинг сув кирадиган жойига "шарбат" тайёрлаш учун хандак (ўра) қазилиб, суғоридан 5 б кун олдин 1:1 нисбатда сув билан ғўнг аралаштирилиб қўйилади. Бунда фекаль, тоза мол ғўни, чириган ғўнг ёки компостдан фойдаланиш мумкин.

Август ойида ҳам ғўза майдонларини ёввойи ўт босиши, ҳатто улар урувляш боқичига кириши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Чунки, бегона ўтлар шарт шароитга ўта тез мослашувчан бўлади. Улар ғўзага нисбатан сув озуқа ресурсларини кўпроқ ўзлаштиради, натижада ғўза сояда қолади ва фотосинтез жараёни бузилади.

Олиб борилган тажрибалар шунга кўрсатадики, ғўза билан бир вақтда униб чиққан



бегона ўт ғўза билан рақобатда бўлади. Ўт-казилган кузатувларда, бутун ўсув даврида итузум билан зарарланган далада ғўза гектар ҳисобига 13,7 центнер ҳосил берган, экин, дастлабки 3 ҳафта мазкур бегона ўтдан тоза тунтилганда эса ҳосил 38,9 центнерни ташкил этган. Бегона ўтлар бевосита зарар келтириши билан бирга билвосита ҳам зиён кўрсатади. Яъни, улар паразит замбурулар қўзғатувчи касалликлар учун қўшимча имконият яратишга хизмат қилади. Касалликлар кўпайишига, тарқалишига, натижада, ғўзанинг зарарланишига олиб келади. Шунингдек, бегона ўтлар зарари хашаротлар учун озуқа манбаидир. Кўп зарари хашаротлар олдин бегона ўтлардан озикланиб қўпаяди, сўнг ғўзани зарарлашга ўтади. Ҳосилга катта ҳавф соладиган хашаротлардан бири ўргимчаккана ҳисобланади. Унинг қўпайиши жойларига олтингурут кукуни (25 30 кг/га) чанғлатиш ёки унинг оҳакли қайнатмасини 2 фойз сувли эритма тарзида қўл аппаратлари ва пуракагичлар ёрдамида (200 300 л/га) аралашма сарфлаб, пуракаш керак. Сув тақчилиги сезилаётган шароитда сув ресурсларини пахтачиликка хизмат қилдириш, технология интизомига қатъий риоя этиш талаб қилинади. Булар ғўза ривожини тезлаштириш ва сув тақчилигига барҳам беришга ёрдам беради. Суғориладиган ҳар бир участкада суғориш муддатлари ва меъёрларини сув билан таъминланганлик, тупроқнинг хусусияти ва сизот сувлари чуқурлигини ҳисобга олиб белгилаш лозим. Юқорида таъкидлаганимиздек, ғўзани

тунда суғориш муҳим бўлиб, 10 15 фойз сув тежалишига ёрдам беради.

Фан ва амалиётда шу нарсга иқтидорини, тупроқнинг қатлами майда кесакли қилиб юмшатила ва 0,22 10 миллиметр катталикдаги кесаклар камида 50 60 фойзга ташкил қилса, ерда нам яхши сақланади. Бу суғоришлар оралиғидаги даврни 4 5 кунга узайтиради, вегетация вақтида эса ғўзанинг ўсиш ривожланиши ва ҳосил тўпланишини бузмаган ҳолда суғоришни бир мартага қаматириш имконини беради. Шунингдек, фўзанинг зарарланишига олиб келади. Шунингдек, бегона ўтлар зарари хашаротлар учун озуқа манбаидир. Кўп зарари хашаротлар олдин бегона ўтлардан озикланиб қўпаяди, сўнг ғўзани зарарлашга ўтади. Ҳосилга катта ҳавф соладиган хашаротлардан бири ўргимчаккана ҳисобланади. Унинг қўпайиши жойларига олтингурут кукуни (25 30 кг/га) чанғлатиш ёки унинг оҳакли қайнатмасини 2 фойз сувли эритма тарзида қўл аппаратлари ва пуракагичлар ёрдамида (200 300 л/га) аралашма сарфлаб, пуракаш керак. Сув тақчилиги сезилаётган шароитда сув ресурсларини пахтачиликка хизмат қилдириш, технология интизомига қатъий риоя этиш талаб қилинади. Булар ғўза ривожини тезлаштириш ва сув тақчилигига барҳам беришга ёрдам беради. Суғориладиган ҳар бир участкада суғориш муддатлари ва меъёрларини сув билан таъминланганлик, тупроқнинг хусусияти ва сизот сувлари чуқурлигини ҳисобга олиб белгилаш лозим. Юқорида таъкидлаганимиздек, ғўзани

Август ойи ғўза вегетация даврида муҳим ой эканлигини фидойи деҳқон, тажрибали фермерлар, ишнинг қўлини биладиган мутахассис яхши билади. Агар улар шу кеча кундуз ҳақиқий тақдирини, узоққоқлик ва фидойилик кўрсатса, ғўзани суғориш, қатор ораларни культивация қилиш, зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш тадбирларини ўз вақтида, сифатли ўтказишга эришса, даладарда мўлжалдаги ҳосил етиштирилиши аниқ.

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат қўриган қишлоқ хўжалик ходими,
қ.х.ф.д., профессор,
Жўраҳон АБДУЛЛАЕВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бўлим бошлиғи.

ТАБИАТНИНГ БЕБаҶО ИНЪОМИ

(Боши 1-саҳифада)

Аввало, қишлоқ хўжалиги экинлари суғориш тартибини тўғри белгилаш ва амалга ошириш лозим. Суғориш меъёрларининг керагидан ортиқчилиги салбий оқибатларга – сизот сувлари сатҳининг кўтарилиб кетишига, тупроқдаги минерал ўғитлар бир қисмининг ювилиб кетишига, оқибатда тупроқларнинг ботқоқланиши ва шўрланишига, қўшимча коллектор-зовур тармоқларига қўрилишига, бу тармоқлардаги шўр ва ифлосланган сувлар оқимининг ортишига, уларнинг ташланиши натижада эса дарё сувлари сифатининг ёмонлашуви олиб келади. Шунинг учун сувнинг ўсимлик илдизи тарқалган қатламдан қуйи қатламларга кўп миқдорда сизиб ўтиши ва сизот сувлари сатҳи кўтарилишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Суғориш сувнинг сифатига ҳам эътибор бериш лозим. Сув таркибидagi тузлар миқдори йўл қўйиладиган меъёрлардан ортиб кетмаслиги керак. Акс ҳолда тупроқда туз тўпланиши содир бўлиб, экинлар ҳосилдорлигининг пасайиб кетишига олиб келади. Коллектор-зовур сувларидан суғоришда фойдаланиш бўйича ўтказган тадқиқотларимиз водий шароитида суғориш суви таркибидagi тузлар миқдори ҳар литрда енгил механик таркибли тупроқларда 3 грамдан, оғир тупроқларда эса 2 грамдан ортаганда салбий оқибатларга олиб келмаслигини тасдиқлади. Бу эса сифати меъёрий талабларга жавоб берадиган коллектор-зовур ва ер ости сувларидан ҳам фойдаланиш имконияти мавжудлигини кўрсатади. Коллектор-зовур сувларининг бир қисмини улар шакланган худудларда илмий асосланган тавсияларга риоя қилиб фойдаланиш йўли билан дарёга ташланадиган ифлосланган сувлар ҳажмини қаматириш ва экологик ҳолат мураккаблаштиришнинг барқарорлигини таъминлаш мумкин. Ер юзасига яқин жойлашган чучук ёки қучсиз шўрланган сизот сувлари сатҳларини ростилаб туриш ўсимликнинг сувга бўлган талаби бир қисмини сизот сувлари ҳисобига қондириш, мавсумий суғориш меъёрини қаматириш имконини беради. Бундан ташқари, ердан тўғри фойдаланиш, барча агротехник тадбирларни мақбул муддатларда ўтказиш, маҳаллий ва маъданий ўғитлар меъёрини тўғри белгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли ўртасида экологик билимларни тарғиб қилиш ва тушунириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Токи, олим ва мутахассис ҳам, ишчи ва чўпон ҳам, талаба ва ўқувчи ҳам – барча-барчаси, ҳар биримиз замин фарзанди эканлигимизни, уни асраб-авайлаш ва бойитиш бурчимиз эканлигини англамоғимиз лозим.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сув ресурсларидан уларнинг сифатини, суғориладиган массивларнинг тупроқ ва гидрогеологик шароитларини ҳисобга олиб, илмий асосланган тавсияларга риоя қилиб фойдаланилгандагина она табиатнинг бебаҳо инъоми бўлмиш ер ва сув захираларини авайлаб асраш ва муҳофаза қилиш бўйича кутилган самарага эришиш мумкин.

Ҳабибжон СИДДИҚОВ,
Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти Наманган минтақавий маркази лаборатория мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент.

Суғоришда "шарбат" усули унинг афзалликлари кўп

Касаба уюшмалари ташкилотларида

У ДОИМО ИШЧИ-ХОДИМ ВА ТАЛАБАЛАР ТОМОН БЎЛИБ КЕЛМОҚДА

Меҳнат инсонни улуғлайди. Бу ибора кўп бора қулоғимизга чалинган. Бироқ умрни меҳнат билан ўтказмоқ, меҳнат бўлганда ҳам ҳалолликка йўғрилган иш билан машғул бўлмоқлик, доим фидокор бўла олиш аслида осон эмас. Шундай экан, юқоридаги жумлаларга шундай қўшимча киритсак, хато бўлмас: "Ҳалол меҳнат ва фидойилик инсонни улуғлайди".



Оз эмас, кўп эмас ўттиз йилдан буён Наманган давлат университети касаба уюшма кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси вазифасида фаолият юритиб келаётган Шермуҳаммад Бегматов ҳақида сўз юритар эканмиз, ана шундай фикрлар хаёлимиздан кечди. Зотан, унинг умр йўллари оддий, ammo ҳалоллик ва сидқидиллик ичра ўтаётди. Шермуҳаммад Бегматов 1962 йил Наманган вилоятининг Косонсой туманида туғилган. Отаси Турғунбой ака тумандаги билимли ветенария фельдшерлардан бири эди, ҳар қандай шароит ва вазиятда бўлмасин, одамлардан ёрдамини аймаган. Отадаги бу фазилат Шермуҳаммад акага ҳам тўла-тўқис ўтган. Онаси ҳам дала меҳнаткашлиридан бири эди. Оддийгина, ўртамеъна кун кечирган оилада камол топган қаҳрамонимиз 1979 йилда ўрта мактабни тугатиб, Косонсой тумани собиқ "Дўстлик" давлат хўжалигида сувчилик кирди. Бир йилдан кейин ҳарбий хизматга қақрилди. 1983 йилда ҳарбий хизматни ўтаб қайтди ва Республика рус тили ва адабиёти институтига ўқишга кирди. Унинг орзуси олий маълумотли мутахассис бўлиш эди болаликдан, шу боис ҳеч қачон ўқиб-ўрганишдан тўхтамади. Ҳаммасига ўз билими билан эриштиди. Бироқ табиийки, пойтахтдаги талабалар йиллари кўплар қатори унга ҳам фақат "олтин давр" бўлиб туюлмасди.

– Анча кейсайиб қолган ота-онадан моддий ёрдам олишга йиғитлик гурурини йўл қўймасди, – дейди Шермуҳаммад ака. – Институтда ўқиш билан бирга магазинда қоровул, ширкатларда сантехник, ётоқхонада командант бўлиб ишлади. Тошкент шаҳар ички ишлар бўлимининг қоровуллик бўлимида кинолог бўлиб ҳам ишлашга тўғри келган. Ўша пайтда Тошкентнинг "Тинчлик" кўчасида "кожмехзавод" бўларди. Ўша ерда қўриқлаш хизматининг итларига қарар эдим. Нима демокчман, ота-онамга юк бўлмаслик, ўз уддаман чиқиш, пойтахтда яшаб қолиш, институтдаги ўқишимни тўхтатиб қўймаслик учун қандай ҳалол иш бўлса, бўйин товламадим.

Ҳа, бу ҳам бир ибрат. Ҳозирги ёши ўттиздан ошса-да, ота-онанинг қўлига қарашдан, уларнинг топганига қўз тикиб яшайдан ийманмаётган йиғитлар учун сабоқ бўлгулик. Инсон аслида мана шундай йилларда тобланади. 1988 йилда институтни битирган Шермуҳаммад Бегматов Наманган давлат педагогика институти (ҳозирги НамДУ)нинг филология факультетлари рус тили кафедрасида ўқитувчи вазифасида фаолият бошлади. Бироз вақт ўтиб, педагогика факультетининг рус тили кафедрасида ўқитувчи, 1993 йилдан эса ўқув бўлими диспетчери сифатида ишлади. 1994 йилда университет талабалар касаба уюшма кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси этиб сайланди. Иш фаолиятдан ажралмаган ҳолда университетнинг тарих факультетига ҳам тахсил олди. Касаба уюшма ташкилоти раиси сифатида доим аъзолар манфаатини ҳимоя қилди. Раҳбарият олдига мана шу мақсад билан талаб қўйишдан, ташаббуслар кўрсатишдан эринмади сира. Айнан шу боис уч марта университет касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сўйллов конференцияларида қайта-қайта уюшма раиси вазифасига сайланди. 2001 йилда касаба уюшма ташкилотларини модернизация қилиш ва оптималлаштириш мақсадида ўтказилган конференциядан сўнг университет ўқитувчилар ва талабалар касаба уюшма кўмиталари бирлаштирилди ва Шермуҳаммад Бегматов унга

раис этиб сайланди. Бу уюшма аъзоларининг йиллар давомидаги ишончи хосиласи эди.

Шермуҳаммад Бегматов 2014 йил август ойида университет молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланди. 2015 йил сентябр ойида ўша пайтда университет ректори бўлган Абдусалом Умаров уни қабулга қақиртирди ва шундай деди: сиздан администратор чиқмади, чунки қачон муаммолар ҳодиса содир бўлса, сиз ишчи-ҳодим тарафида турасиз. Проректорлик лавозимига қаттиққўл, раҳбарият билан бир фикрда бўладиган мутахассис керак. Сиз касаба уюшма ташкилоти иши учун муносиб кадрсиз. Ректорнинг фикри тўғри эди, ўша суҳбатдан кейин касаба уюшмаси ташкилотининг навбатдаги конференциясида Шермуҳаммад Бегматов яна уюшманинг бошланғич ташкилоти раиси этиб сайланди. Мана, у 2015 йил октябр ойидан буён ҳозирга қадар Ўзбекистонда демократик жамяят қуриш назарияси ва амалиёти, фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси бўлиши баробарида университет ходимлар ва талабалар касаба уюшма кўмитаси раиси лавозимда фаолият юритиб келмоқда.

– Юртимизда ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат, турмуш шароитини яратиш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда, – дейди қаҳрамонимиз. – Бутунги кунда университет касаба уюшмаси бошланғич ташкилотининг минглаб аъзоси бор. Аъзоларни санаторийларда соғломлаштириш, уларнинг фарзандларини болалар оромгоҳларида дам олдириш, эҳтиёжман оилалар учун тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш, иқтидорли талабаларни рағбатлантиришга катта эътибор қаратмоқдамиз. Ташаббус ва тақлифларимиз университет раҳбарияти томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг учун уларга миннатдорлик билдираман.

Дарҳақиқат, 2020 йилда Ўзбекистон миллий университетига "Фуқаролик жамятини ривожлантиришда ижтимоий шериклик ва консенсуснинг роли" мавзусида сиёсатшунослик бўйича фалсафа доктори диссертациясини ҳимоя қилган Шермуҳаммад Бегматов илмий тадқиқот ишида давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик ва консенсус масалаларини таҳлил қилиб, касаба уюшмалари ва давлат ўртасидаги ижтимоий шериклик масалаларини кенг ёритиб берди.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, биз ўз олдимиизга Янги Ўзбекистонни барпо этишдек улук мақсадни қўйганмиз. Давлатимиз раҳбарининг "Инсон қадири учун" деган ғояни умуммиллий ҳаракатга, юртимизни кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айлантиришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда, ҳеч шубҳасиз, касаба уюшмалари ҳам муҳим ўрин тутади", деган сўзлари мўъжазгина университет касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти ва унинг раиси фаолиятида ҳам ўз аксини топаётгани қувонарли.

Устозимиз Шермуҳаммад Бегматовга узоқ умр, сийхат-саломаатлик ва ишларига янада ривож тилаб қоламиз.

Шаҳно ТОШБЕКОВА,
Наманган давлат университети
"Пресс клуб" бош мутахассиси, журналист.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ КЕЧИКТИРИШ БЎЛМАС ВАЗИФА

Хабарингиз бор, Тожикистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.



Ташриф дастурига мувофиқ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги агрохизматлар маркази фаолияти билан ҳам яқиндан танишган делегация аъзолари бугун, "Агроресурс рақамлаштириш маркази" МЧЖ да бўлди.

Марказ ходимлари билан учрашувда Тожикистон томони қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш борасидаги ўз тақдирларини ўтказди.

Ўз навбатида марказ ходимлари тақдими бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашди ҳамда қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш борасида амалга оширилган ишлар борасида ўз тавсияларини бериб ўтди.

Ўзро самимий ва конструктив руҳда ўтган учрашувда ҳамкорликнинг янги босқичини амалга ошириш юзасидан бир қатор келишувларга эришилди.

Эълон

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси" давлат муассасаси бош пудратчилигидаги куйидаги объектта ёрдамчи пудратчиларни аниқлаш учун ўтказилаётган танловга иштирокчиларни тақлиф этади:

Объект номи: "Бухоро давлат музей-қўриқхонасининг Бухоро сув таъминоти музейини мукаммал таъмирлаш (Чашма аюб)".
Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан – 120 475 186 сўм (*шундан, - 2024 йилда* ҚҚС билан – 114 451 427 сўм ва қолган 6 023 759 сўм кафолат муддатидан сўнг молиялаштирилади).
Ишларни тугаллаш муддати – 45 кун.
Харид тури – очик танлаш.
Объектни молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.
Бош пудратчи: "Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси" давлат муассасаси.
Манзил: Тошкент шаҳри Миробод тумани Т.Шевченко кўчаси 1-уй.

Танлов иштирокчиларига куйидаги талаблар қўйилади:
• доимий ходимлари, жумладан, муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;
• ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;
• ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган) ва тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

• ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;
• бажарилган ишлар, шу жумладан, ўз кучи билан олд-ин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;
• Танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган иштирокчиларга рухсат этилади.

Куйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга рухсат берилмайди:
• қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
• мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишуви, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.
Иштирокчилар танишиб чиқиш ва танлаш тақлифини тузиш мақсадида, танлаш предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида танлов ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлиқдир.
Буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек, унинг график қисминини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты) ни танлов иштирокчиларига уларнинг тарафидан тақдим

этишга мажбур. Иштирокчилар тақлифлари ташкилотчи томонидан иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача қабул қилинади.

Танлов ташкилотчиси "STROY KONSALTING SERVIS" МЧЖга оферталарни тақдим этишнинг охиригиди муқаддаси – оферталарни очиб кунга ва вақтигача куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри Миробод тумани Шаҳрисабз кўчаси 16"а"-уй манзилдаги офиси (мўлжал: "Агроресурс" МЧЖматмурий биносининг 504-хонаси). тел: +99891 018-75-57.

Танлов томонидан белгиланган тартибда танлов ҳужжатларини олиш бўйича бюртманомна танлов ташкилотчисига топширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичида электрон кўринишида берилди.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи – 1 500 000 сўм.

Тақлифларни топшириш танлов иштирокчисининг танлов ҳужжатларида қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигида далолат ҳисобланади.

Тақлифларни очиб эълон газетанда чоп этилганидан камида беш иш кундан сўнг ўтказилади.

Қовун сайли маҳаллий ва хорижий сайёҳларга завқ-шавқ бағишлади



Шукроналик нашидаси

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Жонажон мамлакатимизнинг, бағрикенг халқимизнинг мустақиллик байрами тобора яқинлашиб келмоқда. Умумхалқ ва озодлик байрами олдида ортимизга бир нарсар ташлаб, мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларимиздан қувонч ва шукроналик хиссини туюямиз.

Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, маҳаллаларнинг ободонлаштирилиши, халқимиз маънавиятининг ривожига қаратилган эътибор ҳеч бир инсонни беэътибор қолдирмайди. Юқсалии йўлида қаддам ташлаётган маҳаллалар қаторида Жизмонсой ҳам бор, албатта. Жизмонсойга йўлингиз тушса, сўлим бог-роғларни, яшил тоқорларни, адирларга туташ тоғларни томоша қилиб бораверасиз. Адирларда ўтлаб юрган сурув-сурув қўй-қўзиларнинг матрашлари, отларнинг кишнаши дилингизга завқ бағишлайди. Айниқса, бу йилнинг серёғин келганлиги чорвачилик ва деҳқончиликка барака олиб келиши билан бирга, қишлоққа ўзгача чиroy бахш этди. Оқтов тизма тоғларининг кунгай бетиде жойлашган бу мўъжаз масканнинг куйчи ирмоқлари, зилол булоқларининг шилдир-шилдири оҳанглари дилингизга хузуру бағишлаб, қалбингизда акс садо бериб туради.

Жизмонсойни ижодкорлар юрти, дейишадди. Бойси, буюк Пўлкан бахши, шайх Мулла Йўлдош Ибни Давлат каби уламолар етишиб чиққан ва уларнинг давомчилари шу ҳудудда яшаб ижод қилганлар. Жизмонсой фарзандлари бутун Республикаимизнинг турли бурчақларида мамлакатимизга ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилмоқдалар. Мустақиллик шарофати билан маҳаллаимизда янги мактаблар, спортзал, замонавий оилавий шифокорлик пункти биноси қад ростлади.

Айниқса, кейинги йиллар ичида ижтимоий объектлар, қўркам бинолар қурилиши билан бир қаторда, одамлар онгида ҳам ўзгаришлар, эврилишлар содир бўла бошлади.

Биз учун давр эврилди. Бинобарин, бизнинг ўзимиз ҳам ўзгардик. Ўзгаришлар жисмида, сийратимизда, тафаккуримизда, амалларимизда, туйғуларимизда буй кўрсата бошлади. Янги Ўзбекистонда янгича қараш, том маънода янги одам шакланмоқда. Жизмонсойда 3 500 га яқин аҳоли истиқомат қилади. Одамларнинг кайфияти аъло. Аҳоли, асосан, чорвачилик ва узумчилик билан, ҳўл ва қуруқ мевалар етиштириш билан шуғулланади. Аҳл ва иноқ бўлиб яшайдиган меҳр-оқиқабатли одамларимиз кўшничилик, қариндош-уруғчилик каби ўзбекона хусусиятларни қадрлаган ҳолда, ҳар бир ишда бир-бирларига ҳамиша кўмакдош. Жамиятда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар Республикаимизнинг барча аҳолиси каби жимсонсойликларни ҳам бефарқ қолдирмаган. Маҳаллаимизда 4,5 км. узунликдаги асосий йўлга асфальт ётқизирилиб, ички йўлларга шагал тўкилиб, таъмирлангани, мавжуд бозор ва савдо шаҳобчаларининг аҳолига сифатли хизмат кўрсатаётганлиги, фарзандларимизнинг мактабга чалинганлиги хусусий богчаларнинг намунали фаолияти ва шу каби қўлайликлар халқимизнинг қувончига қувонч кўшиб, қалбиде шукроналик хиссини оширмоқда. Мустақиллигимизнинг 33 йиллик байрами яқинлашиб келаятган экан, ушбу шодиёна билан барчангизни чин қалбдан табриқлаймиз. "Бир бўлсак - ягона халқимиз, бирлашсак - Ватанмиз!" шiori остида нишонланаётган ушбу байрам барчангизга муборак бўлсин!

Абдусодиқ НОМЗОВ, Каттақўрғон туманидаги "Жизмонсой" МФЙ раиси.



НАВОЙ ВИЛОЯТИ

Қарор ва ижро

МОЛИЯВИЙ МАДАД МЕВАСИ

Зарафшон шаҳридаги "Қурувчи" маҳалласи ҳудудида 2022 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаятган "Cavhar atelye" хусусий корхонаси тритотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

25 нафар хотин-қиз фаолият кўрсатиб келаятган корхона томонидан айни кунда 20 турдаги маҳсулотлар тайёрланиб, Россияга экспорт қилинмоқда. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 600 миллион сўмни ташкил этиб, унинг 100 миллион сўми банк кредити ҳисобланади.

– Мазкур корхонага "Ўзмилий-банк" Зарафшон банк хизматлари маркази томонидан Президентимизнинг 2023 йил 14 сентябрдаги "Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 100 миллион сўм гаровсиз имтиёзли кредит тақдим этилди, – дейди "Ўзмилийбанк" Зарафшон

банк хизматлари маркази Юридик шахсларни кредитлаш бўлими бош мутахассиси Арзимурод Турсунов. – Хориж тикув дастгоҳлари асосида иш олиб бориладиган цехда бир кунда 600-1000 донагача маҳсулот тайёрланмоқда.

– Дастлаб 7 киши билан иш бошлаганимиз, бугун эса уларнинг сафи анча кенгайди, – дейди хусусий корхона раҳбари Гавҳар Хайриева. – Келгусида ҳам банк кўмагида фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз. Бу орқали эса янги иш ўринлари яратилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортади.

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ХОРАЗМДА ҚОВУН САЙЛИ

(Боши 1-саҳифада)

Фестиваль учун "Полвон" дарвоза олдидаги "Аллея" майдонининг 4 гектарида 60 та павильон ташкил қилинди. У ерда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, шунингдек, Хоразм вилоятидаги 13 та шаҳар ва туман ҳокимликлари ўз ҳудудларида етиштирилган мева-сабзавотлар, полиз экинлари, хусусан, қовун маҳсулотлари билан иштирок этди. Павильонларда маҳаллий қовунларнинг 125 га яқин нави намойиш қилинди. Бундан ташқари, ҳўнармандчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмалари, фольклор жамоаларининг чиқишлари ҳам бўлиб ўтди. Фестиваль якунида ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, уларга мукофотлар топширилди. Хусусан, Хоразм вилояти Янгибозор тумани Гран-прига лойиқ кўрилиб, "Tracker" автомобили билан тақдирланди. Биринчи ўринни қўлга киритган Урганч шаҳрига "Opix", иккинчи ўринни эгаллаган Хива туманига эса "Damas" машинаси топширилди. Учинчи ўрин эса Урганч, Қўшқўпри туманлари ва Хива шаҳрига насиб қилиб, уларга мотоцикль берилди.



Шунингдек, "Қовунни қайта ишлаш ва сақлаш учун", "Қадимий Хоразм навларини тиклаш ва янги инновацион технологиялар жорий қилганлиги учун", "Қовунчиликда энг юқори рентабелликка эришгани ва экспортбоп қовун етиштириги учун", "Энг ширин экологик қовун етиштирилганлиги учун" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди, тақдирланди.

Кейинги йилларда Хоразм қовунларининг янги, экспортбоп навларини яратиш устида иш олиб

борилмоқда. Бу борада Урганч давлат университетининг "Мева-сабзавотчилик" кафедраси қошида "Қовунчилик" бўлими ташкил қилинган. Бу ташаббусни шахсан Президентимизнинг ўзлари тақлиф қилган эдилар. Шу тақлиф асосида 2019 йили "Қовунчилик" бўлими фаолияти йўлга қўйилди. Бўлимда бевосита 4 та – "Етиштириш ва агротехнология", "Касаллик ва зараркунандларга қарши кураш", "Қовун навларини қайта ишлаш" ва "Техник таъминот"



секторлари иш олиб бормоқда. Университетнинг ёш илмий тадқиқотчилари ўзларининг тажрибаларини ўтказиб турибдилар.

– Режаларимиз Хоразм воҳасида етиштирилган қовунларнинг узоққа ташишга чидамли бўлган навларини яратишдир. Фахрланиб айтидиганимиз "Гурвак" нави қовунимизнинг шираси тилни ёради. Аммо унинг пўстлоғи юпқа бўлганлиги учун узоққа ташишга чидамайди. Шунинг учун келгусида узоқ йўлга ташишга чидамли, пўстлоғи қалин, шираси гурваки-кидек ширали навларни яратиш, яъни, гурвак билан чатиштирилган, қалин пўстлоқли янги навларни ихтиро қилиш бош мақсадларимиздан биридир, – дейди Урганч давлат университети табиий ва қишлоқ хўжалиги фанлари факультети "Мева-сабзавотчилик" кафедраси мудир, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Санжарбек Саъдуллаев.

Янгибозор тумани Амударё бўйларида жойлашган бўлиб, ерлари ҳосилдор, одамлари миришкор, меҳнаткаш. Туманда ҳар йили шириндан шакар полиз экинлари етиштирилади.

– Бу йил ўнинчи марта қовун сайлида иштирок этдик, – дейди Янгибозор тумани қовунчилик фермер



хўжалиги раҳбари Имноина Маттиева. – Қовун сайли тақомилилашиб бормоқда. Олдинлари фақат вилоят миқёсида ўтказиладиган бўлса, мана икки йилдириқ бошқа ҳудудлар ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Қовунчилик бизга бобомерос касб. Ота-болаларимиз қовунчи ўтишган. Биз ҳам шу анъанани давом эттириб келаяпмиз. Туманимиз деҳқонлари етиштирган қовун-тарвузларнинг олий ўринга муносиб кўрилганидан хурсандмиз.

– Ўтган йилги қовун сайли икки кун давом этган бўлса, бу йилгиси уч кун давом этди. Ушбу фестивалга бу йил 30 минг нафар хорижий ва 400 мингдан зиёд маҳаллий сайёҳлар ташриф буюрди, – дейди вилоят туризм бошқармаси мутахассиси Шаҳло Ражабова. Сирасини айтганда, бу йилги қовун сайли воҳага ташриф буюрган маҳаллий ва хорижий сайёҳларга завқ-шавқ бағишлади.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.



Реклама ва эълонлар

Advertisement for MAXAM-CHIRCHIQ fertilizer. Includes text: SHOSHILING !!! Kaltsiy va magniy mikroelementli AMMI AKLI SELITRA Birja savdolarida. Also includes a tree diagram showing nutrient content: N-34,4%, MgO Magniy, Ca Kaltsiy.

Тавсия

ГИДРОПОНИКА УСУЛИДА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН ҚУЛУПНАЙГА ҚАНДАЙ ОЗУҚАЛАР КЕРАК?

Қулупнай гидропоника тизимида етиштириш учун энг яхши экинлардан биридир. Бу эса, ундан бутун йил давомида ҳосил олиш имконини беради.



Бу жараёнда ўсимликни тўғри озиклантириш муҳим ҳисобланади. Бунда асосийси, ўсимликларга қўп миқдорда азот, калий ва фосфор бериш керак.

Қулупнай учун зарур бўлган элементлар кальций, магний ва олтингугурт ҳисобланади. Бундан ташқари, хлор, кобальт, мис, марганец, молибден ва синк миқдори талаб қилинади.

Яна бир муҳим ҳолат шуки, экин ривожланиш вақтида паст намлик барқарор равишда таъминланиши лозим. Бунда ёруғлиқнинг ҳам ўрни юқори. Қулупнайга кунига 12-16 соатгача қуёш нури зарур.

Эълонлар

Тажибаева Самага Шарифовна номига 1993 йил 10 февралда берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи 11-01/2229 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Юлдашева Динара Ураимовна номига 1993 йил 22 январда берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи 09-02/3474 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси комплекс таркибидеги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: ЧОРИ ЛАТИПОВ
Тахрир ҳайъати: Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Актам ХАЙТОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СҮЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ - 144. Буюртма Ғ-817. 1408 нусхада чоп этилди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва сақидиланди. Тахририят манзили: Тошкент вилояти Қйрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 95-080-43-70, 99-050-69-45. Реклама ва эълонлар - (998 90) 317-19-16. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳои келишилган нарҳда. Газета "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Босмахона манзили: "Буюк Тўрон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2616-7033
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00